



Ислом Нури

этмоқчиман!

- Эй Роббимиз, бундан-да улўроқ қандай неъмат бор?

- Сизларга розилигимни тушираман ва ундан кейин сизларга асло ғазаб қилмайман,- дейди» (Имом Бухорий ривояти).

Барро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир ипак кийим келтирилди. Одамлар унинг гўзаллиги ва мулойимлигидан ҳайратлана бошладилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саъд ибн Муознинг жаннатдаги рўмолчалари бундан анча яхши», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатдаги битта қамчининг ўрни дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхши» (Имом Бухорий ривояти).

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатдаги битта қамчининг ўрни дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхши» (Имом Бухорий ривояти).

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатдаги битта қамчининг ўрни дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхши» (Имом Бухорий ривояти).



Шарҳ:

Жаннат аҳли жаннатда тўла ва мукаммал ҳолатдаги неъматлар билан роҳатланадилар, уларга дунё лаззатларида бўлганидек айрим кудуратлар аралашган бўлмайди. Уларга ато этиладиган энг катта неъмат – Аллоҳ таолонинг жамолига боқиш ва У зотнинг розилигига эришиш ва шундан сўнг ҳеч қачон ғазабига гирифтор бўлмаслик бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Жаннат аҳлига улкан неъматлар ато этилиши;
2. Мўминларнинг жаннатда Парвардигорнинг розилигига эришиш билан бениҳоя шодланишлари;
3. Аллоҳнинг фазлу марҳаматининг кенглиги ва гўзал мукофотлар билан тақдирлаши.